



SIMILARITIES AND DIFFERENCES BETWEEN CRIMES RELATED TO VIOLATION OF CUSTOMS LEGISLATION AND EVASION OF TAXES OR FEES

Lazizbek Mansurovich Eshnazarov

Researcher at the Law Enforcement Academy

E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: customs crimes, customs duty, taxes, fees, criminal liability, legal qualification, foreign economic activity, smuggling, law enforcement, legislative improvement.

Received: 05.05.26

Accepted: 06.05.26

Published: 07.05.26

Abstract: This scientific article provides a comprehensive analysis of the correlation between crimes stipulated in Articles 182 and 184 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan concerning violations of customs legislation and evasion of taxes or fees. It is substantiated that these acts occupy an important place among crimes against the foundations of the economy. The paper highlights law-enforcement problems caused by the absence of a direct legal definition of “customs duty” in current legislation. The consistency of the Tax Code, Customs Code and Criminal Code norms is scientifically evaluated.

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ҲАМДА СОЛИҚЛАР ЁКИ ЙИҒИМЛАРДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Лазизбек Мансурович Эшназаров

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тадқиқотчиси

E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: божхона жиноятлари, божхона божи, солиқлар, йиғимлар, жиноий жавобгарлик, квалификация, ташқи иқтисодий фаолият, контрабанда, ҳуқуқни қўллаш, қонунчиликни такомиллаштириш.

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182 ва 184-моддаларида назарда тутилган божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳамда солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш

жиноятларининг ўзаро нисбати таҳлил қилинган. Мазкур жиноятлар иқтисодий асосларига қарши қаратилган қилмишлар сифатида миллий қонунчиликда муҳим ўрин тутиши асослаб берилган. Амалдаги ҳуқуқий нормаларда “божхона божи” тушунчасининг аниқ ифодаланмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида муаммолар келтириб чиқараётгани ёритилган. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Божхона ва Жиноят кодекслари нормаларининг ўзаро мувофиқлиги илмий жиҳатдан баҳоланган. Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашнинг турли усуллари ҳамда уларни квалификация қилишдаги зиддиятлар мисоллар орқали кўрсатилган.

СХОДСТВА И ОТЛИЧИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НАРУШЕНИЕМ ТАМОЖЕННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА, А ТАКЖЕ УКЛОНЕНИЕМ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ ИЛИ СБОРОВ

Лазизбек Мансурович Эшназаров

Исследователь Академии правоохранительных органов

E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: таможенные преступления, таможенная пошлина, налоги, сборы, уголовная ответственность, квалификация, внешнеэкономическая деятельность, контрабанда, правоприменение, совершенствование законодательства.

Аннотация: В данной научной статье проведён комплексный анализ соотношения преступлений, предусмотренных статьями 182 и 184 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, связанных с нарушением таможенного законодательства и уклонением от уплаты налогов либо сборов. Обосновано, что указанные деяния занимают важное место среди преступлений против основ экономики. Освещены проблемы правоприменения, вызванные отсутствием прямого закрепления понятия «таможенная пошлина» в действующем законодательстве. Проведена научная оценка согласованности норм Налогового, Таможенного и Уголовного кодексов.

Кириш. Ҳозирги кенг қўламли иқтисодий муносабатлар тизимида ташқи савдо операцияларининг кенгайиши давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, бюджет даромадларини шакллантириш ва ички бозорни муҳофаза қилиш масалаларини долзарб этиб қўймоқда. Бу жараёнда божхона органлари томонидан товарларнинг республика худудига олиб кирилиши ва олиб чиқилишини назорат қилиш, божхона тўловларини ундириш ҳамда қонун бузилишларининг олдини олиш вазифалари алоҳида аҳамият касб этади. Божхона соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар эса давлат молиявий манфаатларига бевосита зарар етказиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XII боби иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларга бағишланган бўлиб, унда божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (182-модда) ҳамда солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда) учун жавобгарлик белгиланган. Мазкур икки жиноят таркиби мазмунан бир-бирига яқин бўлса-да, уларнинг объекти, содир этиш усуллари ва ҳуқуқий оқибатларида муайян фарқлар мавжуд. Амалиётда эса айнан ушбу фарқларни тўғри белгилаш ва қилмишни аниқ квалификация қилишда қатор муаммолар кузатилмоқда.

Хусусан, амалдаги қонунчиликда божхона тўловларининг таркибий қисми бўлган “божхона божи” тушунчаси Жиноят кодексининг 184-моддасида бевосита назарда тутилмаган. Натижада божхона божларини тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини жиноий-ҳуқуқий баҳолашда турлича ёндашувлар шаклланмоқда. Айрим ҳолатларда бундай қилмишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланмоқда, бошқа ҳолатларда эса жиноят сифатида квалификация қилинмоқда. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиёти бир хил эмаслигини кўрсатади.

Шу билан бирга, товарларнинг ТИФ ТН кодини нотўғри кўрсатиш, божхона қийматини камайтириш, божхона режими талабларини бузиш ёки божхона омборларидаги товарлардан ноқонуний фойдаланиш каби ҳаракатлар орқали давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказилиши мумкин. Бундай ҳолатларда Жиноят кодексининг 182 ва 184-моддалари ўртасидаги чегарани аниқ белгилаш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Муҳокама ва натижалар. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳамда солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятларининг ҳар Жиноят кодексининг XII боби, яъни “Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар” бобида жойлашган бўлиб, бир-бирига жуда яқин ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади.

Божхона кодексининг 289-моддаси (Божхона тўловларининг турлари)га кўра, товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

- божхона божи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- божхона йиғимлари.

Қонунчиликда бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 163 ва 169-моддаларида назарда тутилган ҳолларда қонунчиликда белгиланган божхона божи, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади.

Божхона божларининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади [1].

Божхона кодексининг 290-моддасига мувофиқ, “божхона божларига импорт, экспорт, алоҳида (махсус, антидемпинг ва компенсация) ва мавсумий божхона божлари киради. Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинади”.

Янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 17-моддаси (Солиқларнинг ва йиғимларнинг турлари)га биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги солиқлар белгиланади:

- 1) қўшилган қиймат солиғи;
- 2) акциз солиғи;
- 3) фойда солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 51) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ижтимоий солиқ.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиғимлар белгиланиши мумкин. Йиғимларни жорий этиш тартиби қонунларда, йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ушбу Кодексда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимни, юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорти воситалари ва тиркамаларининг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғимни, алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимларни, пиво ва пиво ичимликлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни ҳамда тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ушбу Кодекс билан тартибга солинади.

Давлат божини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш тартиби давлат божи тўғрисидаги қонунчиликда белгиланади [2].

Юқоридаги асосларга кўра божхона тўловининг бир тури ҳисобланган “божхона божи” солиқлар ёки йиғимларнинг ичига кирмаслиги, аксинча товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда тўланадиган тўлов тури эканлигини маълум бўлади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти Жиноят кодексининг 182-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш ҳисобланади [3].

Уларга нисбатан божхона тўловлари ундирилиши белгиланганлиги ёки йўқлиги аҳамият касб этмайди.

Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти эса Жиноят кодексининг 184-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш ҳисобланади [4].

Кўрганимиздек, ушбу жиноятларнинг энг асосий фарқларидан бири божхона чегараси орқали ноқонуний равишда олиб ўтилган товарларга нисбатан божхона тўловлари, хусусан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини тўлашдан бўйин товлашнинг аҳамият касб этмаслигидир.

Шунингдек, Солиқ кодексига божхона тўловларининг турлари бўлган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва йиғимлар қамраб олинган бўлсада, “божхона божи” солиқлар ва йиғимларнинг турига кириши кўрсатилмасдан қолиб кетган.

2020 йил 8 январгача амалда бўлган эски таҳрирдаги Солиқ кодексининг 23-моддасида божхона тўловлари бошқа мажбурий тўловлар жумласига кириши қатъий белгилаб қўйилган эди. Ҳозирда бошқа мажбурий тўловлар жумласи янги таҳрирдаги Солиқ кодексидан умуман чиқариб ташланиб, аввал бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланганлар ҳозирда йиғимларга ўзгартирилган ва айнан қандай йиғимлар ундирилиши аниқ кўрсатиб ўтилган. Уларнинг орасида “божхона тўловлари” ёки айнан “божхона божи” йиғимларнинг бир тури ҳисобланиши тўғрисида ҳеч қандай маълумот ва асослар мавжуд эмас.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил

11 мартдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-758-сон қонуни билан Жиноят кодексининг 184-моддасидаги “бошқа мажбурий тўловларни” деган сўзлар “йиғимларни” деган сўз билан алмаштирилган ва ушбу моддадан “божхона божи” бутунлай чиқариб ташланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 08-сон қарорида ҳам “божхона божи” солиқлар ва йиғимларнинг турига кириши тўғрисидаги бирон-бир тушунтиришлар мавжуд эмас.

Натижада, Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозициясида божхона божи аниқ кўрсатилмаганлиги божхона тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик ҳолатларида шахсларни ушбу модда билан жавобгарликка тортишда турли ёндашувларни келтириб чиқармоқда.

Ҳаттоки, бир қатор ҳуқуқшунослар божхона божлари Солиқ кодексидagi йиғимлар билан қамраб олинган деб ҳисоблашади. Бу фикрлар Жиноят ва Солиқ кодексларининг лойиҳалари бўйича ўтказилган ишчи йиғилишларда мутахассислар томонидан билдирилган.

Бунинг яққол исботи, Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил

17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1131-сон қонуни билан Жиноят кодексининг 184-моддаси янги таҳрирда баён қилиниб, ушбу моддага “божхона божи” сўзларини қўшиш бўйича берилган таклифлар қабул қилинмасдан чиқарилганлигидир.

Қонунларнинг муҳокамасида иштирок этган мутахассисларнинг барчаси (битта тергов органидан ташқари) божхона божи солиқлар ва йиғимлардан бошқа тўлов тури эканлигини тушуниб етган бўлсада, битта тергов органи вакиллари томонидан “божхона божи” йиғимларнинг ичида туриши айтилиб, эътироз қилинаётганлиги сабабли 2022 йилдан буён Жиноят кодексининг 184-моддаси бўйича берилаётган таклифлар қабул қилинмасдан келинмоқда.

Амалдаги қонунчиликни чуқурроқ ўрганадиган бўлсак, божхона божи на солиқ тушунчаси билан ва на йиғим тушунчаси билан қамраб олинмаган.

Йиғимларга нисбатан божхона божи қуйидаги асосий фарқларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- товарлар экспорти ва импорти назоратини амалга ошириш;
- хорижий давлатлар билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда тариф преференцияларини қўллаш;
- тўлиқ ҳажмда республика бюджети даромадларига йўналтириш;
- фақат божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга нисбатан қўллаш.

Юқоридагиларга кўра ҳамда божхона божлари ташқи савдони тартибга солишнинг асосий воситаси сифатида қўлланилишини инобатга олиб, “божхона божи” тушунчаси “йиғимлар” тушунчасидан фарқли равишда амалиётда қўлланилиши шарт.

Божхона божлари тушунчаси ташқи савдони амалга ошириш жараёнида ундириладиган республика бюджети даромадларининг алоҳида турини аниқлаб, Солиқ кодексининг 16-моддасидаги йиғим тушунчасига берилган таъриф билан қамраб олинмаган.

Жиноят кодексининг 182-моддасида божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Агарда, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти билан (182-модда диспозициясида келтирилган усулларда) содир этилган тақдирда 182-модда, яъни божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 08-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошида товарларни божхона чегарасидан ўтказиш билан боғлиқ равишда давлат божи тариқасидаги солиқларни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган ҳаракатлар Жиноят кодексининг 182-моддаси билан қамраб олиниши ва Жиноят кодексининг 184-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги қайд қилинган [6].

Аммо, амалиётда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жараёнида божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти содир этилмасдан, товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида божхона божлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва бошқа йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам аниқланади.

Шу билан биргаликда, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш жиноятини ўз ичига тўлиқ қамраб ололмайди.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида содир этилиши мумкин. Бироқ, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ЖКнинг 182-моддаси диспозициясида қайд этилган усуллардан бошқа усулларда ҳам содир этилиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, товарлар республика божхона чегарасидан олиб кирилиб, ташқи иқтисодий фаолият божхона постига етказилади. Ташқи иқтисодий фаолият божхона постида товарлар “Эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40 ва НД-40) божхона режимига расмийлаштирилиб, божхона тўловлари тўланганидан сўнг товарлар эгасига бериб юборилади.

Божхона чегарасидан қонуний олиб ўтилган товарларни республика ички ҳудудида жойлашган ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона органига божхона юк декларацияси тақдим этилади. Ушбу декларацияда, ЖКнинг 182-моддаси диспозициясида қайд этилган усуллардан бошқа усулларда, нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши божхона тўловларининг кам ҳисобланишига сабаб бўлиши мумкин.

Мисол учун: чет элдан олиб келинган 500 дона телевизорлар ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхона кўригидан ўтказилганида уларнинг сони ҳақиқатдан 500 дона эканлиги, номи ва маркаси ҳам айнан тўғри эканлиги, яъни декларацияда кўрсатилган миқдорда эканлиги аниқланган. Бироқ, ўрганиш жараёнида декларацияда кўрсатилган

товарларнинг ТИФ ТН коди хато эканлиги ва шунинг асосида жуда кўп миқдордаги божхона тўловлари кам ҳисобланганлиги аниқланган.

Бошқа ҳолатда: чет элдан олиб келинган товарлар белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказилганида бирон-бир тафовутлар аниқланмаган ҳамда товарларнинг кузатув ҳужжатлари ва божхона юк декларацияларида камчиликлар бўлмаганидан сўнг “Божхона омбори” (ИМ-74) божхона режимига расмийлаштирилган.

Божхона кодексининг 94-моддасига мувофиқ, товарнинг божхона омбори божхона режимида туриш муддати уч йилни ташкил этади. Ушбу муддат ичида божхона органи ходимлари томонидан товарларнинг сақланиши ўрганилганида, товарлар учун жуда кўп миқдордаги божхона тўловлари тўланмасдан ишлатиб юборилганлиги аниқланган.

Бу каби ҳолатлар божхона органлари фаолиятида доимий равишда учрайди. Уларда Жиноят кодексининг 182-моддаси диспозициясида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар мавжуд эмас. Бироқ, кўп ёки жуда кўп миқдордаги божхона тўловлари (божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона йиғимлари)ни тўлашдан бўйин товлаш аломатлари мавжуд.

Шундай бўлсада, Жиноят кодексининг 184-моддасида “божхона божи” назарда тутилмаганлиги ҳамда назоратчи орган сифатида божхона органлари белгиланмаганлиги важи билан давлат божхона хизмати органлари ходимлари томонидан Жиноят кодексининг 184-моддаси асосида жиноят ишларини қўзғатишга назорат қилувчи прокурорлар томонидан рухсат берилмайди.

Натижада, бундай ҳолатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик шаклида ҳал қилиниб, жиноят учун жавобгарлик таъминланмасдан қолиб кетмоқда.

Давлат божхона хизмати органларига Жиноят кодексининг

184-моддаси асосида жиноят иши қўзғатилишига йўл қўйилмаслигининг мантиқсиз томонларидан яна бири Жиноят-процессуал кодексининг

3812-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан Жиноят кодексининг бир нечта моддалари билан бирга 184-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирув олиб бориш мажбурияти юклатилган.

Бу давлат божхона хизмати органлари ходимлари божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ бўлган солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин

товлаш жиноятлари бўйича ЖКнинг 184-моддаси билан жиноят ишларини қўзғатишлари мумкин деган асосни беради.

Давлат божхона хизмати органлари ходимлари томонидан ушбу модда билан жиноят иши қўзғатилишига тўсиқ бўлаётган энг муҳим асослардан бири моддада назоратчи орган сифатида давлат солиқ хизмати органи ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти кўрсатиб қўйилгани эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1131-сон қонуни билан Жиноят кодексининг 184-моддаси янги таҳрирда баён қилиниб, айнан бир органнинг қарори ёки хабари билан давлатга етказилган зарарни қоплаш имкони берилиши тартиби бекор қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тарихида биринчи мартаба ушбу моддада назарда тутилган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлашнинг анча миқдори — базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан олти юз бараваригача, кўп миқдори — базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваридан минг бараваригача, жуда кўп миқдори — базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Бироқ, “божхона божи” сўзлари яна қўшилмасдан қолиб кетган.

Жиноят кодексининг 184-моддасидаги каби муаммолар ушбу кодекснинг 182-моддасида ҳам мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошида божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг бевосита объекти товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказишнинг белгилаб қўйилган тартиби ҳисобланиб, бунда товар ёки бошқа қимматликларга нисбатан божхона тўловлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аҳамият касб этмайди дейилган [7].

Амалда эса божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятини тўғри қасд билан содир этилган деб ҳисоблаш учун божхона тўловларидан қочиш ҳаракати энг асосий мезонлардан бири бўлиб қолмоқда. Лекин, қанча миқдордаги божхона тўловларидан қочиш жиноятни қасддан содир этилган деб ҳисоблаш учун етарли эканлиги бирон-бир норматив-

хуқуқий ёки ички-идоравий ҳужжатларда кўрсатилмаганлиги сабабли бу йўналишда ҳам турлича ёндашувлар шаклланган.

Масалан: айрим ходимлар анча миқдорда, баъзи ходимлар кўп миқдорда ва маълум доирадаги ходимлар эса жуда миқдордаги божхона тўловларидан қочиш ҳолатлари аниқланганидагина жиноят сифатида малакаламoқда. Бу амалиётни мантиқан тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки, амалиётимиздаги тажрибалардан биламизки ҳар қандай шахснинг божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишидан мақсади божхона тўловларини камроқ тўлаш ёки бирон-бир тақик ёхуд чекловларни айланиб ўтишга уринишда намоён бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 182-моддасидаги кўп ва жуда кўп миқдорлар ташқи иқтисодий фаолият соҳасининг реал ҳажмига, яъни экспорт ва импорт амалиётларига нисбатан жуда ҳам кам суммани ташкил қилади. 1 та контейнердаги товарлар 5-10 млрд. сўмни ташкил қилиши мумкин.

Шу билан биргаликда, хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганида Россия Федерацияси ЖКнинг 194-моддасида божхона тўловларидан бўйин товлаш жинояти бўйича жуда кўп миқдор 9 млн. Россия рублини, яъни 1 млрд. 445 млн. сўмни, Беларуссия Республикаси ЖКнинг 228-моддасида кўп миқдор

2 000 базавий ҳисоблаш кўрсаткичини, яъни 385 млн. сўмни, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 234-моддасида жуда кўп миқдор ойлик ҳисоб кўрсаткичининг 30 000 бараварини, яъни 3 млрд. 390 млн. сўмни, Қирғизистон Республикаси ЖКнинг 231-моддасида жуда кўп миқдор ҳисоб-китоб кўрсаткичининг 100 000 бараварини, яъни 1 млрд. 378 млн. сўмни, Озарбайжон Республикаси ЖКнинг 206-моддасида жуда кўп миқдор 500 000 манатни, яъни 3 млрд. 544 млн. сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари, ушбу давлатларнинг Жиноят кодексларида божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаганлик учун алоҳида моддада жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 17 апрелдаги ЎРҚ-1131-сон қонунини ўрганиш жараёнида шу нарсага амин бўлдики, Жиноят кодексининг 184-моддасига киритилган янги тартибларни ушбу кодекснинг 182-моддасига ҳам тадбиқ этишнинг вақти етиб келган.

Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 17 апрелдаги ЎРҚ-1131-сон қонуни билан Жиноят кодексининг 184-моддасига киритилгани каби ўзгартириш ва қўшимчаларни Жиноят кодексининг 182-моддасига киритиш бўйича Божхона қўмитаси вакиллари томонидан таклифлар ишлаб чиқилиб, 2022 йилда мутасадди ташкилотга киритилган эди. Аммо, қабул қилинмасдан қолиб кетган.

Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятлари ўзаро боғлиқ бўлса-да, улар мустақил жиноят таркибларига эга. Биринчи ҳолатда асосий объект товар ва қимматликларни божхона чегараси орқали ўтказишнинг белгиланган тартиби ҳисобланса, иккинчи ҳолатда давлатнинг молиявий манфаатлари ва бюджетга тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловлар муҳофаза қилинади. Шу боис мазкур жиноятларни квалификация қилишда ҳар бир таркибнинг аломатларини аниқ белгилаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси - 22.04.2016. <https://lex.uz/docs/2876354>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири) - 01.01.2020. <https://lex.uz/docs/4674902>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси - 01.04.1995. <https://lex.uz/docs/111453>.
4. Ўша манба, 184-модда <https://lex.uz/docs/111453>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 мартдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-758-сон қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5902549>.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 08-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2212245>.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6404212>.
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси - 01.04.1995. <https://lex.uz/uz/docs/97664>.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси - 01.04.1995. <https://lex.uz/uz/docs/111460>.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. М.Х.Рустамбаев – Т.: Yuridik adabiyotlar publish, 2024.

11. Ўзбекистон Республикасининг 17.04.2026 йилдаги ЎРҚ-1131-сон қонуни.
<https://www.lex.uz/uz/docs/-8145039>.